

Өзбекстан Республикасы халық билимлендириў
министрлиги

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик
педагогикалық институты

Жәмийетлик пәнлер кафедрасы

Реферат

«Марказий Осиёдаги мутафаккирларнинг ижтимоий
сиёсий ва фалсафий карашлари.

Орынлаған: З. Тлеумуратова

Нукус-2014

«Марказий Осиёдаги мутафаккирларнинг ижтимоий сиёсий ва фалсафий қарашлари.

Режа`

.

1. Ислом дини ва фалсафаси.
2. Буюк мутафаккирларнинг ижтимоий сиёсий ва фалсафий қарашлари
3. Тасаввуф тарикатларининг вужудга келиши ва мумтоз суфийлик таълимотлари. Яссавия, Кубравия, Накшбандия.
4. Темур ва темурийлар даври фалсафаси, унинг ахамияти.

Мовароуннахр араблар томонидан забт этилиши арафасида Турк когоноти тизимига кирар эди. У майда амирликлардан иборат булиб, улар уртасида тинимсиз тукнашувлар руй бериб турар эди. Айниқса, Турк когоноти билан соснийлар Эрони уртасидаги тукнашувлар ута шиддатли тусда юз берар эди. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошларида бу хухуд араб халифалиги томонидан босиб олинди. Бунга Мовароуннахр худудида яшовчи халклар, ижтимоий кучлар орасида сиёсий хамжихатликнинг йуклиги, узаро киргин-баротларнинг авж олиши сабаб булди.

Мовароуннахрга араблар босқини билан бирга ислом дини хам кириб келди. Ислом сузи арабча узини топшириш, итоат, буйсуниш, тинчлик каби маъноларини англатади. Ислом дини байроги остида кенг худудда араб кабилалари бирлашган, мавжуд таркокликка чек куйилган, ягона марказлашган араб халифалиги ташкил топган.

Куръон ва хадисларда исломий таълимотнинг асоси баен килинган. Куръон - мукаддас китоб. Унда ислом коидалари, иймон-этикод талаблари, хукукий ва ахлокий меъерлар уз ифодасини топган. У 114 сура ва улар таркибидаги оятлардан ташкил топган.

«Сунна» эса хадислар мажмуи булиб, Куръондан кейин туради ва уни тулдиради. Унда Мухаммад пайгамбарнинг сузлари, хатти-харакатлари нақллар ва хадис шаклида жамланган.

Куръон ва суннадан кейинги мухим манба - шариатдир. Шариат (тугри йул, илохий йул демакдир) - исломда хукукий, ахлокий меъер ва амалий талаблар тизимидир. Исломдаги асосий йуналишлар - суннийлик, шиалик ва хорижийлик. Улар диний таълимот, маросимчилик, ахлокий-хукукий меъерларга оид масалаларда узаро фақрланиб туради.

Абу Мансур Мотуридий (милодий оғг йилда вафот этган) калом илмининг ақл макомига алохида эътибор каратган Самарқандда Мотуридия мактабини яратган. Муътазилийлар (ажралиб чикканлар) якка худоликнинг адолатли эканини, Куръоннинг тангри томонидан яратилганлигини, ирода эркинлигини еклаб чиккан. Унинг асосчиси Восил ибн Атодир . Унинг охирги вакилларида бири Замахшарийдир.

Калом ислом илохитининг узига хос фалсафий таълимотидир. У диний акидаларни асослаб беришга уринган. У Куръонга таяниб, жаннат ва дузахнинг азалий эканлигини, инсонда ирода эркинлигининг йуклигини,

лекин инсоннинг Оллох олдида уз килмишлари учун масъул эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилган.

Бундай маънавий жараёнлар билан енма-ен исломда машшойунлар ва таббийунларнинг (Арасту фалсафаси ва табиатни урганишга аҳд қилганларнинг) фалсафий қарашлари шакллана борган. Бу исломий маънавиятнинг дуневий ва диний масалаларда, жаҳон фалсафий тафаккурида руй бераётган жараёнларга нисбатан ташаббускор бир куч эканини курсатиб турибди.

Диний бағрикенглик ва дуневий билимлар такомили. Мусулмон Шарки, жумладан ислом жорий этилганидан кейин Ватанимиз худудидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ижодида Оллох, инсон ва табиат масалалари илоҳиёт ва дуневий фалсафанинг муҳим муаммоларидан бири булиб келган. Биронта буюк аллома ва мутафаккир исломий кадриятлар мавзуини четлаб утмаган.

Диний илмлар соҳаларида имом Бухорий, имом Термизий, имом Абу Ханифа, имом Мотурудий ва имом Бурхониддин Маргинонийлар пешкадамлик қилганлар.

Имом Бухорийдан йирик илоҳиётчи, муҳаддис сифатида 60 мингга яқин ҳадис туплаган, улардан ишончли деб топганларини махсус туплам холига келтирган. Бу туплам {Саҳихи Бухорий} номи билан машҳурдир.

Имом исо Термизийдан «Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари», «Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола», «Тарих» ва бошқа асарлар мерос булиб қолган. Имом Термизий ҳадисларни мунтазам равишда туплаб, муайян тарбига солган ва яхлит бир китоб шаклига келтирган.

Абу Ханифа ан-Нуъмон Ханафия мазҳабига асос қўлган, барча ислом тарқалган худудларда уз мавқеига эга бўлган. Бу мазҳабнинг муҳим жихатлари қалом ва илоҳиёт соҳаларининг пири Абу Мансур Мотуридий (вафоти 944й.) нинг «Тавҳид» ва «Таъвилот» асарларида ва Бурхониддин ал-Маргиноний (1123-1197) нинг «Хидоя» тупламида узининг еркин ифодасини топган. Уларнинг асарларида ақл мақоми ва мантик илмига, илм ва далилга кенг урин берилган.

Мухаммад ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фаргоний бутун мусулмон Шарки ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли хисса қўшган буюк алломалардир. Мухаммад ал-Хоразмий араб халифалигининг пойтахти Бағдодда «Донишмандлик маскани» («Байт ул-хикма») га раҳбарлик қилган. Унинг «Астрономия жадвали», «Хинд хисоби тугрисида рисола», «Қуеш соати тугрисида рисола», «Мусика ҳақида рисола», «Тиклаш ва қарши қуйиш хисобига оид мухтасар китоб» каби асарларида алгебра соҳасига асос солинди.

Шарк халқлари орасида «Буюк математик» унвонига сазовор бўлган Аҳмад ал-Фаргоний (тахм. 799 й. да Қувада туғилган) астрономия ва математика соҳаларида ном таратди. Унинг «Самовий жисмлар ҳаракати ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақида китоб», «Астрономия асослари», асарларида қоинот харитаси тузилди. Ер ва фазовий сайералар ҳажми, иқлимлар,

жугрофий кенгликлар тугрисида кузатувчилар оркали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йуналишларига асос солинган. Фалсафа, табиатшунослик ва тиббиет тарихини Форобий, Беруний ва Ибн Синосиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абу Наср Форобий - мусулмон Шарқда Арастудан кейин «иккинчи устоз» унвонига муяссар бўлган йирик мутафаккир ва аллома. Унинг каломига 160дан зиёд асар мансуб бўлиб, улар асосан қадимги юнон олимлари асарларидаги табиий-илмий ва фалсафий муаммолар шархлаш ҳамда бу соҳаларнинг долзарб масалаларини таҳлил қилишга бағишланган. Мутафаккир оламни икки қуринишда «Вужуду вожиб» (оллох) ва «вужуди мумкин» (барча моддий ва рухий нарсалар) мисолида талқин қилади, барча нарсалар «Вужуди вожиб» туфайли яшаш ҳуқуқига эга бўлади. Сабабсиз оқибат бўлмаганидек, оқибатсиз сабаб ҳам бўлмайди, дейди Форобий.

Олам сифат, миқдор, жавҳар, акциденция (муҳим бўлмаган хосса), имконият, зарурият ва тасодифият, макон ва замон, ҳаракат ривожланиш қаби тушунчаларда ифодаланади. Улар фазовий жисмлар, аклли махлук (инсон), аклсиз жониворлар, усимликлар, минераллар ва туртга унсур-сув, олов, ҳаво ва тупроқ қаби олтига қуринишда намоён бўлади.

Абу Райҳон Беруний деярли барча фан соҳаларида ижод этган буюқ комусий аллома ва машҳур мутафаккирдир. У яратган 1у2 та асардан 2х таси бизгача етиб келган. Унинг табиатни урганишдаги хизмати каттадир. Аллома жисмларнинг узаро тортишиву, Қуеш ва Ойнинг тугилиши, зарра, инерция ва сунъий танланиш, ривожланиш аномалияси, Ер Қаърида руй берадиган геотектоник силжишлар, Ер киефасининг тадрижий тарзда узгариб туриши, хилма - хил оламлар тугрисида илмий башоратларни илгари сурган. Унинг фалсафий қарашлари табиий-илмий қарашлари таъсирида шаклланди. У модда ва замон, қонуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият, сабаб ва оқибат қаби фалсафий муаммоларга катта эътибор берган.

Берунийнинг асарларида билиш масалалари муҳим мақомга эгадир. Билишга бўлган қизиқишнинг иккита сабаби бор. Биринчидан, бу узига хос лаззатдир. Иккинчидан, билишдан мақсад одамлар эҳтиёжларини қондиришди. Билиш сезгилар етказиб берган маълумотлардан бошланади. Улар билишнинг юқори босқичи ақлий билиш учун узига хос қумакчи ва асос бўлиб хизмат қилади. Билимнинг қинлиги кузатув ва синов - тажриба хизмат қилади. Улар туфайли ашеларнинг муҳим жихатлари урганилади, уларнинг миқдорий томонлари аниқланади, билиш жараенининг самародорлиги ошиб боради.

Берунийга қура, инсон киефаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг ички киефасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан узгартириши мумкин. Ҳар бир киши уз ҳулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий узгаришлар оркали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун гамхурлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туги остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир.

Абу Али ибн Сино буюқ аллома ва мутафаккир. У Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида тугилиб, Ҳамадон шаҳрида вафот этган. Ибн Синодан қолган маънавий меърос таҳминан 280номдан зиёддир. Улар тиббиет,

фалсафа, мантик, психология, ахлоқ, мусика, фармакология ва бошка сохаларга багишланган. Олимнинг «Шифо китоби» «Тиб конунлари», «Билимлар китоби», «Табиат дурдонаси» каби асарлари машхурдир. Борликни талкин этишда Ибн Сино Форобий изидан бориб, уни «Вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин»дан иборат, деб эътироф этади. «Вужуди вожиб» биринчи сабаб вазифасини бажаради. «Вужуди мумкин» эса унинг оқибатидир. Яратилиши доимий булганлиги учун яратилган «вужуди мумкин» ҳам абадийдир. Олимнинг сабабиятга оид мулохазалари эътиборга моликдир.

Ибн Сино Закарие ар-Розий ва Беруний каби жахон фалсафий тафаккури тарихида биринчилардан булиб кузатув ва тажрибага мухим эътибор қаратди. масалан, аллома улар кумагида ҳастанинг ҳолати, келажакда кутилаётган кайфияти, дори-дармонлар таркиби, инсон ва атроф-муҳит узаро муносабати муаммолаини хал этишга уринади.

Мутаффақир уз асарларида илм ва ахлоқ-одоб уйғунлиги, инсон камолоти, бахт-саодат, ижтимоий адолат, кишиларнинг узаро ҳамкорлиги, ҳукмдорнинг бурчи тугрисида кизикарли гоёларни илгари сурган. Унинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавқега эриштириб булмайди. Аслида улар учун муайян шароит яратиб бермок лозим. Барчанинг бой ва мансабдор булиши еки ҳамманинг кашшок булиши жамиятнинг таназзули ва инкирозидир. Лекин инсон узгаларга меҳр-оқибатли, гамхур булмоги, керак вақтда саховат ва мурруват кулини ночорларга узатиши зарурдир.

Бундан ташқари, араб мустамлакачилари ва улар билан ҳамкорлик қилган маҳаллий ҳукмрон табақаларнинг меҳнатқашларга утқазган жабр-зулмлари мустамлака улқаларда ҳам кенг норозиликни вужудга келтирган. Ана шундай вазиятда мустамлака улқаларда, хусусан, Марказий Осиёда ҳам тенгсизликка, жабр-зулмга, адолатсизликка қарши норозиликнинг бир шакли сифатига тасаввуф таълимоти (суфийлик таълимоти) вужудга келди.

Тасаввуф билан дин тенг ёки айнан бир нарса эмас. Тасаввуф диндан озикланган, дин бағрида ривожланган, лекин у ҳеч қачон динни ривожлантирган гоёга айланган эмас.

Хуш, тасаввуф таълимотининг мазмуни нималардан иборат?

Тасаввуф — одамларни ҳалолликка, покликка, тенгликка, инсон кадр-қимматини ерга урмасликка чорловчи, барча мусулмонларнинг тенг булиб, ҳар қим узининг ҳалол меҳнати билан қун қуришини, бошқаларнинг қучидан фойдаланмасликни, ижтимоий адолат қодаларига риоя этишларини тарғиб этувчи таълимотдир. Бу таълимот намояндалари бундай мақсадга адолатни жамият қуриш, яхши, одил подшоҳга эга булиш билангина эмас, балки Аллоҳга вужудан берилиш, унинг моҳиятига етишиш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблаганлар.

Тасаввуф таълимотида қурсатилишича, ҳаётий муаммолар билан боғлиқ булган илохий ҳақиқатга етишиш босқичма-босқич амалга ошади. Бу босқичларнинг ҳар бирида инсон ҳақиқатга аста-секинлик билан яқинлаша боради. Энг юқсак ҳақиқат инсон уз вужуди, ички мулоҳазаси ва қечинмалари орқали етишган билидир.

Маълумки, Ислом динида Аллохнинг мохияти энг юксак, барча олижаноб маънавий фазилатларнинг йигиндиси сифатида тасвирланган. Аллохга тааллуқли булган хар бир номнинг мазмуни хам мана шундай фазилатларнинг ифодасидир. Демак, Аллохнинг мохиятини англаш — унга хос булган адолат, етуклик, маънавий камолот чуққиларига етишиш йулидир. Дилга Аллохнинг номини жо килиш инсоннинг калбини поклайди, уни иймон, халолик, ахлокий покдик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик йулига ундайди. Шу сабабли хам тасаввуф (суфийлик) таълимотида дилга Аллохнинг номини жо килиб, халол меҳнат билан кун куришлик инсон хаёти ва фаолиятининг асосий мазмуни сифатида талкин этилади.

Тасаввуфнинг бу йули узининг асосий мохияти жихатидан диний эътикод ва иймонни дунёвий муаммолар билан боғлаш, уларни адолатли хал этишга хисса кушишга кишиларни ундаш билан боғланган эди. Улуг аждодларимиз — Хожа Ахмад Яссавий, Хожа Абдухолик Гиждувоний, Шайх Нажмиддин Кубро, Саййид Бахоуддин Накшбанд, Хожа Убайдуллох Ахрор ана шу йул тарафдорлари эди. Улар инсоннинг мохиятини тугри англаш, инсонпарварлик таргиби билан боғлик булган фалсафий гоёларни тасаввуф тарикати оркали олдинга сурган буюк алломалардир.

Энди икки огиз суз “тарикат” тушунчасининг маъноси хакида.

Агар “Тасаввуф” — инсоннинг комил инсон даражасига етиши натижасида Аллох васлига мушарраф булиши ва рухан Аллох билан биргалашиб кетиши хакидаги таълимот булса, “тарикат” — комил инсон даражасига эришишни курсатувчи тугри йул демакдир, яъни маънавий-ахлокий покланиш боскичларини босиб утиш ва бу макоматда тараккий этиш йул-йуругидир.

Тарикатнинг белгиси учтадир: 1) дам (нафас), яъни айтилиши лозим булмаган нарса хакида сузламаслик; 2) кадам, яъни килиниши ман этилган ишларга кадам урмаслик; к) карам, яъни иш билан шугулланиш, шугулланганда хам керакли иш билан шугулланиш, айна пайтда иш билан шугулланаётганда хам калб тоатини канда килмаслик.

Хулоса килиб айтганда, тарикат — Аллох васлига етишиш, рухан Аллох билан бирлашиб кетишнинг шарти булган комил инсонликка кандай килиб эришиш мумкинлигини курсатувчи йулдир.

Хар бир тарикатчи албатта уз йулини ишлаб чиккан ва йулни таргиб этган, узига тарофдорлар туплаган. Тасаввуф уз ичига олган барча жихатларни ислом рухида кайта ишлаб, уни шариятга мослаштирган.

Тасаввуф таълимоти сохасида йирик тадкикотлар муаллифи Н. Комилов алохида таъкидлаганидек, яссавия, накшбандия сунний мазхабига мансуб тарикатлар эди. Хазрати Саййид Бахоуддин Накшбанднинг асосий хизмати тасаввуф ва тарикатни сунний мазхабига мослаштириш, уни шиаликка хос хоссалардан тозалашдан иборат булган. Шу тугайли накшбандия тарикати сунний мазхабдаги ахоли орасида кенг ёйилган.

Марказий Осиёда ана шундай уз тарикатини, яъни йулини ишлаб чиккан ва таргиб этган тасаввуф тарикатчилари булмиш Хожа Ахмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро ва Саййид Бахоуддин Накшбанд

тарикатлари хакида, шунингдек, накшбандия тарикатини янги даврда давом эттирган Хожа Ахрор Валий хакида куйида тухталамиз.

Тасаввуф Шарк мусулмон халкларининг маънавий хаёти тарихида учмас из колдирган ижтимоий-фалсафий оқимлардан биридир. У узининг 10 асрдан ортик тараккиёти давомида тарихий даврларнинг ижтимоий, маданий, гоъвий ва ахлокий талабларига мос холда турли шакл ва йуналишларда ривожланиб келди.

Бирок шуни таъкид этиш керакки, бундан бир неча йиллар илгари тасаввуф таълимотига бир еклама караб келинди. Шукроналар булсинким, истиклол куёшининг нурларидан бахраманд булиб, биз утмиш кадрийтларимизга, жумладан тасаввуф таълимотига муносабатимиз узгариб, уни тугри тахлил килиш имкониятига эга булдик.

Тасаввуф таълимоти гарчи ислом багрида ниш уриб, Куръон ва хадислар хикматидан озикланадиган, куп холларда шарият ахволига суянган булсада, лекин расмий диний ақидапарастлик ва мутассивликка хамда хоким табакаларининг айшу ишларига гарк турмуш тарзига, талончилик ва манфаатпарастлик зид уларок меҳнаткаш халк норозилигини ифодалаб келди.

199х йили ватандошларимиз, мусулмон Шаркидаги буюк тасаввуф намоёндалари — Яссавия тарикатининг асосчиси Хожи Ахмад Яссавийнинг 900 йиллик Хожи Баховиддин Накшбанд хазратларининг 67у йиллик мавлуди шарифлари нишонланди. Булар утмиш меросимизга, кадрийтларимизга булган муносабати тубдан узгарганлигини эркин нишонасидир.

Тасаввуф сузи “Саф” хазратлари пайгамбар тирикдигидек тарки дунё килган такводор кишилар булиб. Суфийлар шуларга таклид киладилар, деб тушунтирилади. Яна бир гурух олимлар суфий сузи “Сафо” сузидан келиб чиккан, чунки бу тоифанинг калби сидку сафо офтобидай порлаб туради, деганлар. Абу райхон Беруний булса “Осорул бокия” асарида ушбу сузни юнонча “Суф” яъни файласуф сузининг охирги кисмида ясалган деб курсатади.

Агар “Суф” сузидан “суфий” ясалган булса, уз навбатида “Суфий” дан “тасаввуф”, “мустасуф”, “мутасаввуф” сузлари хосил булган.

Тасаввуфни тадқиқот мавзусига айлантирган куп олимларнинг таъкид этишларича исломдаги бу оқим 12 асрнинг охири ва 1к асрнинг бошларида келиб чиккан булиб, у Мухаммад пайгамбарнинг хамда дастлабки турт халифаларнинг яшаган даврларига тугри келади.

Дастлабки суфийлар зоҳидлик. Яъни тарки дунёчилик гоъсини тарғиб этиб, ижтимоий хаётдан бутунлай етлашганлар. Зоҳидларнинг нияти ибодат билан охират маърифатини козониш, Куъонда ваъда килинган жаннатнинг хузур-халоватига етишиш эди.

Кейинчалик зоҳидлик коралана бошланади. Чунки у бир томондан ислом дини учун кураш байроги остида бойлик, мол-мулк орттираётган хукмрон синф манфатига зид келар эди, иккинчи томондан меҳнатсиз бошкалар хисобига яшаш харом хисоблана бошлади. Суфий хар томонлама

пок булган холдан тоат-ибодатга утириши керак, чунки унинг мақсади илохий рух билан кушилиш эди. Суфий учун на дунёдан, на охираддан таъма бурмаслиги керак. Ягона истак-бу худонинг диёдори.

XII-XIII асрларига келиб тасаввуфда бир канча тарикатлар келиб чиқади. Улар Тайфурия, Кубровия, Маломатия, Мавлония, Нурия, Яссавия ва накшбанд тарикатларидир.

Кубровия тарикатига Нажмиддин кубро деган киши асос солган. Кубровия тарикати бутун маданий ҳаётга маълум ва машхурдир. Ҳозирги кунларда ҳам Кубровия тарикатига эътиқод келаётган кишилар мусулмон мамлакатларида куп. Европа мамлакатларида ҳам бу таълимотни урганувчилар, тарғибот килувчи гуруҳлар, илмий ташкилотлар мавжуд. Нажмиддин Кубро йирик олим, забардаст файласуф мутафаккирдир. Тасаввуфга инсон муаммосини олиб кириш ҳам Н. Кубронинг буюк хизматларидан биридир. Тасаввуф мавҳум тафаккур, тарқи дунёчилик доирасидан чиқиб, ҳақиқий инсон муаммосини ҳам ургана бошлагач, фалсафага айланади. Кубровия тарикати узидан олдинги тасаввуф таълимотларидан инсон муаммосини купрок уртага куйиш билан ажралиб туради.

Турк-Ислом дунёсида буюк мутасаввуф олим, шарк тасаввуфида чуқур из қолдирган “Яссавия” тарикати асосчисидир, деб Яссавий бутун дунёга машхур. Аҳмад Яссавий XI асрнинг энг кузга қуринган суфийларидан бири булган. Яссавий тарикатида бойлик, бу дунё лаззатлари инобатга олинмайди.

Жондин кечур ёлғиз халқни жонга қушим,
Ондин сунгра дарё булиб тулиб тошдим
“Ломаконни” сайр этибон макон ошдим
Дунё уқбин юз минг талок қуйдим мано

Накшбандия тарикатига Баҳоуддин Ибн Муҳаммад Ал-Бухорий Накшбанд асос солган. Баҳоуддин Накшбанд Абду Холик Гиждувоний асос солган хожагон тарикати йулидан борган. Накшбандиянинг сулук, яъни худога яқинлашиш йули унта мақомдан иборат. Накшбандиянинг асосий йули жон жаҳт билан ҳаққа етишишга интилиш. Аллох номини эслашни қалбга муҳирлашдир. Накшбандия тарикатининг бош шеори “Дил ба еру даст ба қор”.

Шундай қилиб, суфийлик бир канча асрлар давомида ривожланиб келди, ижтимоий ҳаётда муҳим урин тутди. Унда турли хил гоълар, қарашлар урин топди. Шунинг учун суфийликка бир юқлама ёндашиш ҳато булур эди. Шунинг учун суфийликка Ислом маданиятидаги мураккаб, серқира оқимлардан бири деб қаралади.

Тасаввуфнинг борлиқ ҳақидаги таълимоти пантеистик табиатига эга. Пантеизм сузи лотинчадан олинган булиб, пан-ҳамма, теизм-худо деган маънони англатади. Шундан келиб қикқан холда пантеизм фалсафада табиат билан худони бирлаштириб юборувчи таълимот сифатида ишлатилади.

Тасаввуф пантеизми уз илдизлари билан кадимги Якин ва Урта Шарк, Хиндистон, Урта Осий, Ирон, Миср халкларининг гоъвий-фалсафий карашлари бориб такалади.

Тасаввуф оламини, барча мавжуд нарсаларни иккига булади:

Зарурий вужуд ва имконий вужудга. Зарурий вужуд ҳеч нарсага боғлиқ булмаган бир бутунликни ташкил этиб, у энг иродали ва билувчи тангридир. Колган ҳамма нарсалар имконий тарзда зарурий вужуд булган тангридан келиб чиқади.

Инсон учун кайгурий, унинг маънавий камолатини тасаввуф фалсафасининг асосий масаларидан бири ҳисобланади.

Тасаввуф таълимотича, билишдан мақсад бу илохий моҳиятни, илохий ҳақиқатни билишдир.

Маълумки, тасаввур ва тасаввуф фалсафаси Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон, умуман, урта ва Шарк халқлари араб мусулмон диний-фалсафий тафаккурнинг энг муҳим ва узига ҳос қисмини ташкил қилади.

Буюк тасаввуфчилар Иброҳим ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлоҷ, Абу Бакр ибн Мусо ал-Воситий ал-Фағоний, Бобо Кухий, ас-Сулаймон, Абу Саид ибн Абу-л-Хайр ал-Маҳоний, Бобо Тохир, ал-Кушайрий, Ансорий, Юсуф Хамадоний, аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий урта асрлар Моваруннаҳр, Хуросон ва Эронда етишиб чиққанлар. Бундан ташқари бу даврда араблардан етишиб чиққан Зунун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, тустарий, Маккий, Жунайд, Мухосибий, Сари Сақатий, Харроз, Қассоб, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқа мутафаккирлар орифлик ва тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвешлик амалиёти анъаналарини қадриятларини шакллантирганлар.

Одатда, фалсафа тарихига оид илмий оммабоп нашрларда тасаввуфчилар тугрисида суз борса, уларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада, аммо, албатда, ваҳтан ул-вужуд, яъни пантеист, дея тушунтирилади, ҳатто ҳозир ҳам бундай тасавурлар сақланиб қолмоқда.

Аслида Маъриф Қархий, Сари Сақатий, Хорис ал-Мухосибий, Абдуллоҳ Ансорий, Абу Ҳамид Газзолий, Шаҳобиддин Сухравайдийларнинг “ваҳтан- ул- вужуд” таълимотларида Оллоҳнинг Ҳақлиги, бирлиги расмий “аҳли сунна ва жамоа эътиқод” қуръони Қарим, Ҳадисларда қандай булса, шундайлигича берилади, яъни Оллоҳ Таоллонинг Ҳақлиги, бирлиги дунёга нисбатан ҳеч қандай муносабатсиз, алоқасиз олинади, ундан узоқлашмайди.

Бошқа томондан эса, Мухийд-ид-Дин ал-Арабий, Фарид-уд-Дин Аттор, Жомий ва Навоийларнинг “ваҳдат - ул- вужуд” таълимотларида, гарчи улар қучли майларни ақс эттирсада ва Оллоҳ Таоллонинг дунё билан алоқасини эътироф этсада, фақат Оллоҳ Таоллонинг бирлиги, унинггина Ҳақ эканлигини тан олиш гоъси устивордир. Демак, тасаввуфнинг бу вакиллари муътадил пантеизм позицияси турганлар.

Тасаввуф фалсафасининг узига ҳослиги ундаги худо тугрисидаги ваҳдат- ул- шухуд, ваҳдат- ул- мавжуд ва ваҳдат- ул- шухуд, яъни ваҳдатнинг (худонинг) узида, дунёда ва шаҳсада намоён булиш тугрисидаги орифий

пантеистик таълимот, худога етиш (васл), унинг маърифатига эришишнинг алоҳида жазава (эстатик-арабча шатх) “уздан кетиш” йули (шариат, тарикат, маърифат, хакикат) амалиёти билан белгиланади. Чунки тасаввуф, узидаги ан шу асосий гоё ва твмойилларга кура, араб мусулмон фалсафанинг хукумрон ва белгиловчи, йуналтирувчи расмий ислом ақидавий таълимот ва маросим талабалари, шароит курсатмаларидан анча-мунча чеклашадиган юксакорифий ва айни пайтда хурфикирлик тафаккурни вужудга келтирган эди. Ана шунинг учун ҳам тасаввуф ижтимоий-фалсафий тафаккур тараккиётида купгина илгор таълимотларни, шу жумладан, пантеизм ва деизм шаклларида ифодаланган содда дунёвий, умумбашарий кадриятларни. Инсонпарварлик, юксак рухийлик, табиат ва инсонни севиш майлларини ифодалаш учун кулай восита булиб хизмат қилган.

Бошка томондан эса, тасаввуф орифлик, зохидлик ва дарвешлик, гушанишлик, риндлик харакатлари сифатида аввало бошданок бойишга интилиш, адолатсизлик, зуровонлик каби катор ижтимоий маразларни кораловчи, инсонларнинг худо олдидагитенглиги, камбагал, факир-бечораларгаинсоний муносабатда булиш кераклиги тугрисидаги инсонпарвар хусусиятларга эга эдики, бу тасаввуф ва у билан боглик маданиятга яккол ифодаланган умуминсоний ва эркин фикрлик йуналишини берар эди. Шунинг учун ҳам тасаввуф кенг халк оммаси орасида, айникса, куйи табакалар орасида кенг ва чукур ижтимоий заминга эга эди.

Туркистон, Марказий Осиёнинг узиде Туркистон халқини ташкил этувчи узбек ва тожик миллатларининг шаклланишида, уларнинг анъанавий миллий киёфаси, рухияти, тафаккури, онг, кадриятлари, турмуш тарзи, маросим ва маракаларнинг вужудга келиши, шаклланишига таъсир утказиш билан чекланмай, халқимизнинг хозирги бухронда чиқиб кетишида, уз-узини англашда, хаёт, турмуш тарзида, маънавиятнинг изга солиш ва тартибга келтиришда кумақлашувчи ута замонавий ижобий касб этмокда ва бундан кейин ҳам унинг таъсири ортиб боради. Чунки Баховуддин Накшбанд дунёкараши, тарикатнинг асосий гочси диний ва умуминсоний кадриятларини устувор дея билиш, уларга риоя қилиш, ер юзида инсоннинг муъжаз, аммо тулакони бахт-саодатини, яъни хақикий инсонпарварликни карор топтиришдир.

Хуллас, Баховуддин Накшбанд, накшбандлик, тарикатининг дунёдаги муслумий ва орифий 12-14 та жахонда эътироф этилган тарикатларнинг назарий асоси сифатида тасаввуфнинг XIV-XX асрлар орлигидаги урни фавкулотда каттадир.

Халқимиз, миллатимизнинг илмий-маданий узлигини англашда, ижтимоий-миллий бири бутунлигини тиклаш, демак, республика мустақиллигини мустахамлашда тасаввуф гоёларини урганиш ута долзарбдир. Марказий. Осиё Уйғониш даврининг биринчи босқичи билан танишиб чикдик. Албатта, бу босқичнинг халқлар маданий турмуш тарзи, маънавияти ҳамда миллий кадриятларининг янада такомиллаши ишидаги ахамитининг бекиёслигини таърифладик. Шу билан бирга Марказий Осиё Уйғониш даври тараккиётининг иккинчи босқичи XIV - XV асрларни уз

ичига олганлиги хакида хам тарихшунос олимларимизнинг фикрига таяниб, бу давр маданиятида илмий-фалсафий йуналишлари билан бир каторда бадиий - эстетик тамойиллар хам кенг таркиб топиб келганлиги хакида маълумотларга эга булдик.

Буюк аллома, мутафаккирларимизнинг илмий-ижодий меросини урганиш хакида уларнинг маънавий хамда моддий маданиятимизга кушган салмокли хиссалари хакида хам батафсил фикр юритдик. Ал-Фаргоний, Ал-Форобий, Ал-Беруний, Ибн-Сино, Ал-Хоразимий ва бошка унлаб олиму фузалоларимизнинг илмий меъросига бир назар ташлаб уларнинг сиёсий ижтимоий, иктисодий, маънавий, гоъвий тамойилларидаги асосий карашларини аниклашга харакат килдик.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг энг етуклик боскичи деб таърифланган *иккинчи давр* тарихий воқеаликнинг асл куринишида намоён булган. Бу даврда илмий манбааларда кайд этилишича "*Темур ва темуризодалар даври маданияти*" деб эътироф этилади. Бу давр илмий нуқтаи назардан жуда кенг маънони англатиб унинг тафсилотида, авваламбор буюм аллома, саркарда, давлат ва жамоат арбоби *СохибкIRON Амир Темур* хамда шу давр маданиятининг ривожига салмокли мазмун ва ахамият касб этган темурийзодалар: *Мирзо Улугбек, Хусайин Бойкаро, Захриддин Бобур* шу билан бирга уша даврда яшаб ижод этган буюк алломалар *Жомий, Навоий, Бехзод*, тарихнавис, меъмор, хамда мусика ижодиётининг етук санъаткорлари, халк хунармандчилигининг мохир усталари яшаб ижод этиб келдилар. Уз салтанатини миллий маънавият асосларида юксалтирган. *Иккинчидан*, у бир катор юртлар ва мамлакатларга мустамлакачилик зулимида озод булишда ёрдам берди. Уша даврнинг подшохларидан хисобланган Боязид Илдирымни тор - мор келтириб, усмонли туркларнинг зулмига тушиб колган Болкон ярим оролидаги халклар ва мамлакатларга озодлик багишлади. Олтин Урда хони Тухтамишни икки марта тор - мор келтириб, Урусиянинг мугиллар хукмронлигидан кутилишларини уч юз йилга тезлаштирди. *Учинчидан*, Туркистон замани хунармандчилик, илм - фан ва маданияти ривожланган илгор мамлакатга айланди. СохибкIRONнинг саъй - харакати билан обод этилган шахарлар, касабалар, кишлоклар шу билан бирга Шахрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шахарларда кад кутарган иморатлар, "*Темур ва темурийлар давлати*", "*Темурий маданияти*", "*Улугбек ва Самарканд*", "*Улугбек обсерваторияси*" каби улуг тушунчаларни кундалик хайтимизда номлашимиз, тилга олишимиз одатий тарзга айланиб колди. Бундай тарихий ахамиятнинг мохияти дунё халклари тарихига олтин харфлар билан ёзилганлигининг далолатидир.

Биз бугун халкимизнинг ардокли фарзанди, йирик саркарда ва давлат арбоби сохибкIRON Амир Темурнинг номини ёдга олиб, унга нисбатан узимизнинг чексиз хурмат ва эътиромимизни яна бир карра изхор этмокдамиз.

Дархакикат, "Миллат дардига дармон булмок"ни, эл корига ярамокни хаётининг асосий мазмуни деб билган бу зотни хар канча улугласак арзийди.

Истиклол шарофати билан Амир Темурнинг табаррук номи кайта тикланди, унинг сиймоси тарих дарсликларидан узининг муносиб урнини эгаллади.

Сохибкироннинг хаёти ва фаолиятини тахлил этишдан келиб чиқадиган биринчи хулоса шундан иборатки, уша тарихий шароитда Амир Темурдек буюк зотнинг майдонга чиқиши мутлако тасодифий хол эмас эди. Биз биламиз унинг болалик ва усмирлик йиллари Турон улкаси мугул боскинчилари томонидан топталган, халк эса истилочилар зулми остида хурланган бир даврга тугри келди. Ана шундай огир шароитда халкнинг дардига малхам була оладиган, юртни тараккиёт ва равнак сари бошлайдиган арбобнинг сиёсий сахнага чиқиши тарихий зарурат эди. Бу машаккатли юкни уз елкасига олган шахс Амир Темур булди.

Сохибкирон уз олдига куйган биринчи вазифани, яъни Мовароуннахрда марказлашган давлат тузиш вазифасини шараф билан удалади. Ажнабий боскинчиланинг зулмидан, узаро феодал урушлардан, тартибсизлик ва бошбошокликдан жони халкумига келган халк оммаси Амир Темурни куллаб-куватлади. Дархакикат, купчилик уни куллаб-куватламаганда, халк чеккада томошабин булиб турганда Сохибкирон бу тарихий миссияни удалаши амри махол эди. Амир Темур хаёти ва фаолиятини эътиборли жихатларидан бири унинг илм-фан ва маданиятни севиши, унга хомийлик килиб, ривож топишига катта хисса кушганлигидир.

Амир Темур ва темурийлар даври узбек халки хамда Якин ва Урта Шаркнинг бошка халклари мусика санъатининг ривожланиши тарихида айникса мухим даврдир. "Темур тузиклари"ни урганиб чиқиш борасида шу маълумотларга эга буламизки Амир Темур ва темурийлар даври - узбек халки хамда Якин ва Урта Шаркнинг бошка халклари мусика санъатининг ривожланиши тарихида айникса мухим давр эканлигига ижобат киламиз. Уша даврларда халк мусикаси ва харбий маросимлар мусикаси, мумтоз маком санъати, мусикий фольклор кетма – кет ривожланиб борган. Мусикий атрибутлар шон – шавкат ва мардлик тимсоли булиб колган эди. "Мен шундай буйрук бердимки, деб ёзади Амир Темур уз тузукларида, агар амирларимдан бирортаси бирор мамлакати босиб олса ёки ракиб лашкаларини енгса, унга уч хил мукофот берилади, булар: фахрий ёрлик байрок ва ногора баходир деб эълон килишдир".

Амир Темур яна шундай дейди: "Мен ун икки амирдан хар бирига биттадан байрок ва биттадан ногора, кичик туг ва чотуг, мингбошига бир туг ва ногора, юзбоши ва унбошига биттадан катта ногора, аймоқларнинг амирларига биттадан бургу (сурнай) турт бегларбегининг хар бирига биттадан байрок, ногора, чортуг ва бургу беришларини буюрдим". Шундай килиб, халкнинг мусика асбоблари конуний равишда хукмдорларнинг ижтимоий мавкейи тимсоли сифатида тан олинган эди.

Амир Темур давридаги бой маънавий мухит мусика санъатининг асосий йуналишлари: чолгучилик ва ижрочилик, бастакорлар ижоди, шунингдек,

музыка хақидаги фаннинг ривожланишига кенг имкон берди. Музикачиларни касбга ургатиш бўйича санъатнинг бошқа турларида ҳам қабул қилинган "устоз-шогирд" тизими муқаммал ишлаб турарди. Бу нарса фақат Самарқанда, Амир Темур қошидагина бўлмай, балки унинг меросхурлари Шохрух, Улугбек, Хусайн Бойқаро ва Бобурлар даврида, Бухоро, Хива, Хирот, Балх, Кобулда ҳам давом этди.

Урта аср шаҳарлари санъатига қура, қишилар уз хунарига қура турли даҳаларда истиқомат қилардилар. Бу музыка санъати арбобларига ҳам тегишли бўлиб, улар "қушиқчилар қучаси" "музикачилар даҳаси", "бастакорлар маҳалласи" қабиладарда яшаганлар. Уз ишининг йирик усталари узларининг ижодий мактабларини барпо этишган.

Темурийлар даврида яшаб ўтган музыка билимдонларидан бири Абдурахмон Жомий эди. У "Рисола-и-музикаий" ва бошқа қатор машҳур асарлар муаллифидир.

Жомийнинг рисоласи муҳим назарий аҳамиятга эгадир. У икки қисмдан: "Илми-таълиф" (Композиция фани) ва "Илми иқо" (Мақом фани)дан иборат. Жомий, шунингдек, музиканинг қелиб қиқиши тугрисида, "музыка" сузининг қелиб қиқиши тугрисида, шу санъат турининг вазиқалари тугрисидаги анъанавий саволларни таҳлил қилишга қуп эътибор беради.

Қатор ҳолларда Жомий ўтмишдаги музикаий таржибага, Абу Наср Фаробий номига таянади. У 20 дан ортиқ усулларни таърифлайди ва уларни яратишда чегара йўқлигини, истаган қиши уз усулини яратиши мумкинлигини таъқидлайди. "Рисолаи-музикаий" бошқа асарлардан шуниси билан ажралиб турадики, унда ижроқилар ва бастакорларнинг узига ҳослиги юқори баҳоланади.

Тез ривожланиб бораётган музикаий амалиёт, ижодий жараён буюк музыка арбобларининг пайдо бўлишига олиб қелади.

Уларнинг ичида энг нуфузлиси - Хужа Абдулқодир Марогий бўлган (1к40-14қу). Амир Темур бу музикачининг гайриоддий музикаий қобилиятлари хақида эшитиб қолиб, уни Богдоддан Самарқандга қучириб олиб қелди. Бу ерда Марогий ижроқилик ва бастакорлик фаолияти билан шугулланган.

Марогий бастакор сифатида 200дан ортиқ асарлар, шу жумладан, қуп қисмли асарлар ва усуллар: "Зарб-ал-фатх", "Қаҳор зарб"ни яратади, шунингдек, "Таснифи-Хужа Абдулқодир", "Амали-тарона", "Амали-бўстон", "Амали-гулистон", "Амали-харистон", қаби мақомларга янги бўлимлар қиритди. Афсуски, бизгача бу асарларнинг фақат номларигина етиб қелган, ҳолос.

Абдулқодир Марогийнинг "Гина ва алҳон", "Мақосид-ал-алҳон", "Жавоме ал-алҳон", "Қанз ал-алҳон" ва "Шарҳ-ал-адвор" қаби музикаий назарий асарлари яхши маълум. Бу асарлар XIII-XV асрлар музикаий санъатини урганишда, шунингдек, Марқазий Осиё халқлари музыка атамаларини аниқлашда қатта аҳамиятга эгадир. Узидан олдин ўтган музикашунослардан фарқли равишда (Сақоаддин Урмавий, Аш-Шерозий), Марогий ритм, мелодика ва асбобшунослик масалаларини ҳам сифат, ҳам сон

жихатидан анча кенг тадқиқ этган. Мусика Алишер Навоийнинг хаёти, фаолияти ва ижодида алохида урин тутуди. Унинг тахаллуси ҳам "наво" мусикий атамасига якин. Навоий "Мажолисун-нафоис" асарида узининг мусика ургатувчиси - машхур бастакор Хужа Юсуф Бурхонни эхтиром билан тилга олади: У барча суфийларнинг боши эди.. у мусика санъатини яхши билар эди, мен бу борада унинг шогирдиман. Купинча у уз шеърларига куй басталар эди. Навоий Хужа Юсуф Бурхоннинг маком санъатига ҳам алоқадор эканлигини маълум қилган.

Навоий бутун умри давомида мусика санъати вакиллари орасида яшаган. Уларнинг орасида амакиси Мухаммад, кушикчилардан Мавлоно Айний, Хофиз Козок, чолгучилардан Хужа Камолиддин Удий, Али Кармал, Хужа Абдулло Садр, мусика ва маком тугрисидаги асарлар муалифларидан Жомий, Биноий, Мавлоно Салимий ва Мавлоно Риёзилар бор эди. "Мажолисун-нафоис"да Алишер Навоий уларнинг хар бирини, шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар даври мусика санъати бошка купгина арбобларини кенг тавсифлайди, алохида мусика асарларининг таърифини келтиради. Амир Темур, Шохрух ва яна йигирмата темурийларнинг образларини яратар экан, Навоий уларнинг хар бирининг албатта саънатга ва фанга берилганлигини таъкидлайди. Масалан, Бойсунгур Мирзони (Шохрухнинг учунчи углини) таърифлашда у шундай ёзади: "Унинг истехдоди жуда таъсирчан, қобилиятлари ҳам ажойиб, ҳуқумдорлик ишида камбағалларга шафқатли ва сахий. У фанларни ва санъатни севади, у санъаткорларнинг хомийси. У шеърляга ҳам мойил ва баъзан шеър ёзиб туради".

"Бобурнома" асарида Навоийнинг мусикий ижодга булган бевосита муносабати хақида маълумотлар берилган. У "накши"лар (вокал-чолгу асарлари) ва "пешрав"лар (чолгу композициялари) яратган. Бундай ижодий фаолият - мураккаб мусикий асрларига мурожаат қилинганда кам учрайдиган хол.

Давриш Али Чангий шуни маълум қиладимки, уша даврда унга маълум булган усуллардан баъзилари Улугбекка, 12 таси Хусаин Бойкарога, 7 таси Алишер Навоийга тегишли булган экан. Шунинг учун, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларига мансуб булган, "Хамса" сахналари акс эттирилган китоб миниатюраларида энг куп мусика чолгу асбоблари: сато, гижжак, чанг, уд, най, доира, танбур акс эттирилган.

Навоий шеърлари мусикий атамалар билан (туз, кургуз, тут, эт, қил қаби), Амир Темур ва темурийлар давридаги мусикий жанрлар номлари билан (пешрав, савт, нагма, накш, кушик, суруд, чангу қаби) ва мусикий ясама сузлар билан (наво, навосоз, навобахш, навогар, достоннавоз қаби) сугорилган.

Амир Темур ва Темурийлар даври чолгу асбобларнинг турли - туманлиги билан ажралиб туради. Масалан, торли чолгу асбобларидан булган уд (узи ясалган дарахт номидан олинган, Европада шундай асбоб "льютто", "лютня" деб аталган) мусикий назарияда интерваллар, тетра, пентахорлар ва товуш

каторларини аниклаш учунгина эмас, балки яккахон ва гуруҳ ижрочилиги амалиётида ҳам кулланилган.

Улугбек жаҳон фалаккиёт илми алломалари даврасида.(чапдан учинчи Мирзо Улугбек)

Унинг астраномия соҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари биргина уз давридагина эмас, балки ҳозирги кунимизда ҳам жаҳон илм ахлининг диққатини узига тортиб келмоқда. У яратган фалаккиёт расадхонаси (бу обсерваторияда осмон сайёраларини улчайдиган секстант - астролябия асбоби сакланади) ҳамда "Зижи жадиди Курагоний(Курагонийнинг янги астраномик жадвали)" асари оламшумул аҳамиятга молик булиб келмоқда.

"Зижи"да 101х юлдузларнинг координатлари ва номлари батафсил баён этилган. Шу боисдан ҳам бу юлдузлар сараси ҳозирда ҳам "Улугбек юлдузлари" деб номланиб келинмоқда.

Хурматли талаба. Эътиборингизни профессор А. Абдурахмоновнинг "Улугбек академияси" (Тошкент, 199к йил) китобида қайд этилган "Зижи"нинг турт китобдан ташкил этилганлигига қаратмоқчиман (Бу далиллар М. Абдуллаевнинг "Маданиятшунослик асослари" нинг 146-147 бетларида баён этилган).

Биринчи китоб эралар ва турли тавкимларга бағишланган булиб, унда хижрий, юнон эралари ва уларни улчаиш, ҳисоблаш усуллари, улар орасидаги муносабатлар қараб чиқилади. Иккинчи китобда математик ҳисоб-китоблар берилади. Учинчи китоб тригонометрик жадвалларга бағишланган. Унинг амалий астронимияга бағишланган қисмидасайёралар ҳаракати назарияси, осмон ёриткичларининг координаталарини аниклаш, юлдузлар ва сайёралар орасидаги масофаларни белгилаш каби масалалар ёритилади.

Туртинчи китобда илму - астрологияга бағишланади. Илму нужумда сайёраларнинг турлича мос туришларига қараб кишиларнинг толейномасини тузиш, сайёраларнинг турли - туман жойлашувининг кишилар тақдирига таъсири масалалари қараб чиқилади. Олимларимизнинг фикрига қараганда, Улугбекнинг "Зижи" даги улчов ҳамда ҳисоблар мазмуни йил ҳисоби кбу кунли ҳисобнинг бизнинг давримиздаги йил ҳисоби ва бошқа ҳисоблар билан солиштирганда, бир минуту икки сонияга фарқ қилар экан. Бундай курсаткич албатта Улугбек давридаги илмий тадқиқотларнинг қанчалик ривожланганлигининг исботидир.

Мирзо Улугбек биргина фалаккиёт фани билан чегараланиб қолмасдан, балки тарихшунослик, мусика илми билан ҳам ижод этган. "Тарих арбаъ" (Турт улус тарихи), "Рисола дар илми мусика" да 12 мақом баёни уз ифодасини топган. Уз даврининг қузга қуринган тарихчиси Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, "Олим, одил, голиб ва ҳикматли подшоҳ Улугбек осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди. Унинг даврида олим - фозиллар мартабаси ниҳоят чуққисига қутарилди. Мирзо Улугбек хандаса илмида чигалларни ечувчи хайъат илмида Мажистийқушо эди. Фозилу ҳакимларнинг яқдил фикрлари шулқим исломият замонида Улугбек Қурагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ултирмаган".

Мухаммад Тарагай Мирзо Улугбек узбек халкининг миллий маънавияти ҳамда маданиятининг тарихий ривожланиш боскичларида сунмас из колдирган буюк Хазрати Инсон булиб абадийликда яшайди.

Темурийзодаларнинг тунгич ворисларидан бири, давлат арбоби ҳамда нафосат гулшанининг етук ижодкори *Хусайн Бойкаро* ҳисобланади. У 14кх йили Хиротда тугилиб 1у06 йилда вафот этган. Умар шайхнинг эвараси булиб, 1470 йилда Хиротни Абу Сайид Мирзодан ажратиб олади ҳамда узини хоким деб эълон қилади. Бойкаро ҳукмдорлик вақтида мамлакатни ободлаштиришга, Хиротни эса маданий марказга айлантиришга ҳаракат қилган. *Буюк мутафакир, аллома Низомиддин Мир Алишер Навоийни саройга таклиф этиб бирламчи бор мухрдор*, сунгра эса бош вазир этиб тайинлайди. Тарихчиларнинг ёзишларича А. Навоийнинг таъсирида ҳамда унинг доимий хомийлигида Хиротга мамлакатнинг барча худудларидан олиму ахиллар, шоиру мусаввирлар, хаттоту наққошлар чакиртирилиб улар учун ижодий муҳит яратилган. Усто Кул Мухаммад, Мирак Наққош, Камолиддин Бехзод, Сайид Аҳмад каби унлаб санъат усталари подшоҳ саройида уз санъатини ривожлантиришга муяссар буладилар.

Хусайн Бойкаро шеърятга катта эътибор берган. Узининг ижодида газал жанрида асарлар яратиб, асосан дунёвий севгини мадх этган. "*Рисолаи Хусайн Бойкаро*" (14ху) номли насрий асарида давр, хокимият, сиёсат билан алоқадор масалалар, маданият, маърифат гузал ҳаёт ҳақида фикр юритган. Бойкаро мумтоз адабиёт оламида "*Хусайний*" таҳаллуסי билан ижод этган. У туркий тилнинг ута жонкуяри булиб уз фармони билан мамлакатда бу тилни янада раванк топиши учун, унинг таракқиёти ва келажакдаги равнаки учун бир канча хам сиёсий, хам маданий тадбирларни амалга оширган. *Навоийнинг "Мажолис-ун нафоис"* асарида: "*Хусайн Бойкаро*"...*ул хазратнинг хуб ашъори ва мағруб аботи бағоят қундир*" деб ёзилган.

Хусайн Бойкаронинг маданият равнакига катта эътибор берганлиги, шу билан бирга мамлакат ободончилигидаги ишлари, маънавий кадриятларнинг тикланишига булган эътибори Турон давлатининг мавқеини янада юксалтиришга сабаб булди. Захириддин Мухаммад Бобур узбек халкининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, тарихчиси, мумтоз адабиётининг намоёндаси, шоири ҳамда таржимонидир.

12 ёшга етганда Умар шайх вафоти (1494) дан сунг тахтга утиради ва давлатни бошқариш ишларида фаолият курсатади.

У яшаган давр мураккаб воқеаларга бой булиб, тахт учун, хокимият учун бетухтов курашлар авжига чиққан эди. Уз давлатини марказлаштириш максатида Самарқандга (1498, 1500-1501) юриш қилади, бироқ Шайбонийхон катта қуч билан Самарқандни ишғол этади. Шундан сунг Бобир узига содик булган бир гуруҳ қушини ва қариндошлари билан Қобул томонга йул олади. Бу воқеани Бобурнинг кизи Гулбаданбегим узининг машхур "Хумоюннома" асарида қуйидагича баён этган: "Тулик ун бир йил давомида, Мовароуннахр улқасида чигатой султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг сонини тула баён қилишга

калам тили ожиз ва нуксонлидир... Икки юз киши пиёда, елкаларида чопон, оёклариди чорик, куллариди таёк булгани холда, беярок, худога таваккал килиб, Бадахшон ва Кобулга караб йул олдилар" (Гулбаданбегим. Хумоюннома. Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1959, 24-25 бетлар).

Бу вақтда Афғонистон таркок холда, майда кичик кабилаларга булинган худуд эди. Бобур турк ва афгон кабиларини узига буйсундириб *узини хоким деб эълон килади*. Бобур ва унинг угли Афғонистонда 1504-1526 йилларгача подшолик киладилар. Уз мамлакатини янада мустахкамлаш мақсадида 1526 йилда Дехли яқинидаги булган жангда Бобур Иброхим Луди бошчилигидаги кушинларни тор-мор келтириб Дехлини эгаллайди ва бобурийлар империясини тузади. Жамна дарёси ёқасидаги Агра шахрини янги империянинг пойтахти килиб белгилайди. Турихчиларнинг ёзишларича, Бобур Хиндистонга боскинчи сифатида кириб келган. Бирок, Бобурнинг бу юртдаги кейинги фаолияти, унинг иктисодий, маданий-ижтимоий, илм-фан, маърифатпарварлик соҳасидаги килган ишлари Хиндистон тарихида ижобий самараларга эга булди.

Юксак ақл-идроки, букилмас иродаси ва гайрат-жасорати туфайли Бобур Мовароуннахрда эриша олмаган мақсадига Хиндистонда эришди. У Хиндистон тарихида буюк прогрессив роль уйнаб, марказлашган хинд давлатининг асосчисига айланди.

У Хиндистон йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва сохиби, оташин калбли ватанпарвар эди Бобурни шохлик салтанати кам кизиктирар, мамлакатнинг ободончилигини таъминловчи марказлашган давлат тузиш ташвиши унга тинчлик бермас эди. У ҳақда 1960 йили Бобур фаолиятини урганувчи америкалик олим Гарольд Лэмб шундай деб ёзган: "...Бобур, Улугбек Самаркандда тутгандек йул тутди, узини факат хукмрон шох дебгина эмас, балки инсон, мамлакатни идора этишга жавобгар шахс деб билди... Унинг фавқулоддаги фазилатлари Акбардан бошланган буюк империясида бир умрга уз изини колдирди (Lamb Harold/ An aspect of the character of Zahir ad-din Muhammad surnamed Babur, founder of the dynasty known as the great Mughuls of India. XXV Халқаро шарқшунослар конгреси. III, т. М., ИВЛ, 1963, 221 б)".

Инглиз шарқшуноси Эдуард Гольден *Бобур хақидаги мақоласида Бобур шахси ва фаолиятига юксак баҳо беради. Бобурда буюк калб эгасига хос булган барча олижаноб фазилатлар мавжуд эди, унинг асарлари юксак даражада мукаммаллик касб этади*, деб ёзади у. Гольден уз фикрини давом эттириб *агар Бобур даврининг узига хос хусусиятлари эътиборга олинса, саркарда Бобур, подшо ва адиб сифатида, Цезарь билан бир сафда урин олиши мумкинлигига шубҳа йук. Чунки, Бобур характери Цезарь характерига нисбатан кунрок мухаббат ва хурматга лойикдир*, деган эди.

Хиндистоннинг буюк углони, жамоат ҳамда давлат арбоби *Жавоҳарлал Неру "Бобур Уйғонши даврининг типик вакили, заковатли, довюррак ва тадбиркор шахс булган. У санъатни, адабиётни севган, хаёт нафосатидан лаззатлана билган"* деб унга юкори баҳо беради. (Дж. Неру. Открытие Индии. М. Ил. 1955, 272 б).

Бобурнинг Хиндистон тарихида тутган урни хакида Ж. Нерунинг яна бир илтифотий сузларини эътиборингизга хавола этаман. *У ёзади:*

"Бобурнинг Хиндистонга келиши туфайли Хиндистонда буюк узгаришлар содир булди, санъат хаётида, меъморчилик ва маданиятнинг бошка сохаларида янгича серилхом тараккиёт юз берди"- деган сузларида Хиндистон тарихида Бобур ва бобурийларнинг урни ва роли гоят равшан ва объектив бахоланган.

Бобур узининг киска хаёти давомида жуда катта адабий хамда илмий мерос колдирган. У она тилиси булган *узбек тилида* хамда *форс - тожик тилида* ижод этди. Унинг мусика ва харбий ишга доир рисолаларидан ташкари бошка барча асрлари бизгача етиб келган. Булар ичида шох асар хисобланмиш *"Бобурнома"* алохида ахамият касб этади.

Бу асар узининг шаклан ва мазмунан тузилиши билан темурийлар даври узбек мунтоз прозасининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги узбек адабий тилининг нодир ёдгорлиги булиб келмокда. Бу асар XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларидаги Урта Осиё, Афғонистон ва Хиндистон халклари тарихи буйича кимматбахо маълумотлар манбаи сифатида беш асрдан буён тарихчилар, шаркшунослар, географлар, этнографлар, археологлар, тилшунослар, адабиётшунослар, санъатшунослар, зоологлар, ботаниклар ва бошка илм - маърифат ахлларини бахраманд килиб келмокда. Шу боисдан хам *"Бобурнома"* ни XVIII асрдан бошлаб узбек тилидан лотин, голланд, француз, немис, инглиз, рус, хинд, усмонли турк тилларига таржима килиниши тасодифий хол эмас.

Шундай килиб, темурийзодаларнинг сунгги вакили Бобур миллий этномаданиятимиз тараккиёти ва унинг кейинги боскичларидаги йуналишига улкан хисса кушди.

Адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Тошкент. Шарк, 1998 й.
- 2.Каримов И.А.Оллох калбимизда юрагимизда. Тошкент. 1999 й
- 3.Ибрахимов А,Султанов Х, Жураев Н. Ватан туйгуси.Тошкент . «Узбекистон».1996й.
- 4.Мурод М. «Узбек кадриятлари».Тошкент. Укитувчи.1995й.
- 5.Абдуллаев М,Абдуллаев А. Маънавият ва маданият тарихи.
6. Н.Комиловю Тасаввуф ва Шарк фалсафаси.1998й.
- 7.Аликориев. Умумий социология.1994й
- 8.Диншунослик асослари.Т.Узбекистон.1995 й.
- 9.Фалсафа. 1998й.
10. Гидденс Э.Фалсафа тарихи.2000й.